

ХУЖЖАТ ИМЗОЛАНГАН:

сана:2022.01.17 10:10:50
серия рақами: 7791c3b9
компания:ООО PITNAK PROPAN
стир: 302877347
фиш: ISKANDAROV MANSUR
email: [\[REDACTED\]](#)

сана:2022.01.18 16:54:57
серия рақами: 77977f8c
компания:АО O'ZBEKGEOFIZIKA
стир: 201577724
фиш: YUSUPJONOV RAVSHANJON
email: [\[REDACTED\]](#)

11EC7753CDD2EFFC945B1E0008000075
электрон хужжат идентификатори

ХУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

Етказиб берувчи	PITNAK PROPAN MCHJ	Сотиб олуучи:	"O'ZBEKGEOFIZIKA " AJ
СТИР	302877347	СТИР	201577724
Манзил	ТУПРОККАЛЬ ТУМАНИ ОБОД МАХАЛЛАСИ	Манзил	ЯНГИАБАДYANGIOBOD Q.F.Y

ХУЖЖАТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Хужжат номи	шартнома
Хужжат рақами ва санаси	№ 3 дан 17.01.2022
Шартномага	№ 3 дан 17.01.2022

**Суюлтирилган углеводородли газни корхона ва ташкилотларга сотиш
буйича №_З_сонли ХИСОБ - ШАРТНОМА**

«17» январ 2022 йил

Тупроккалья тумани.

Низом асосида фаолият юритувчи «Питнак Пропан» масъулияти чекланган жамияти номидан раҳбари **Искандаров Мансур Юсупбоевич** (кейинги-матнларда «Сотувчи» деб юритилади) бир томондан, низом асосида фаолият юритувчи «O'ZBEKGEOFIZIKA» АЖ Фаргона геофизика экспедицияси филиали номидан раҳбари _____ (кейинги матнларда «Харидор» деб юритилади) иккени томондан (биргаликда «Томонлар») мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Ушбу шартномага асосан хар ойнинг бошида «Сотувчи» нинг банкдаги хисоб ракамига «Харидор»нинг банкдаги хисоб ракамидан узининг газ билан юрадиган автомобилларига сарфланадиган суюлтирилган углеводородли газни (кейинги матнларда кискача СУГ деб юритилади) микдорига тенг булган пул маблагини 100% олдиндан утказгандан кейин, «Сотувчи» узининг автомобилларга газ куйиш шахобчасидан (кейинги матнларда кискача АГКШ деб юритилади) куйидаги курсатилган хажмлардан келиб чикиб, бир ой мобайнида «Харидор»нинг автомобилларига (маиший газ боллонига) СУГ ни куйиб беришни таъминлайди.

№	Сотиладиган товар, махсулотларнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи ККС билан	Умумий киймати ККС билан
1	Суюлтирилган углеводородли газ (пропан)	литр	15 000	3 600	54 000 000

1.2 СУГ Узбекистан Республикаси хом-ашё биржалар оркали сотиб олиниши сабабли СУГ олинишининг баҳоси узгариб туришини эътиборга олган холда, «Сотувчи» томонидан СУГни сотиш буйича тузилган калькуляциядаги нархлар буйича амалга оширилади.

1.3 «Харидор»га бериладиган СУГ хажми «Сотувчи»нинг газ куйиш колонкасидаги улчов асблоблари буйича аникланади.

2. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1 Сотилаётган товар (СУГ) хисоб-китоби шу СУГ берилаётган вактда амалдаги нархлар буйича амалга оширилади. Шу сабабли шартноманинг умумий киймати олдиндан таҳминий кийматда 54 000 000 (Эллик турт миллион) сумга белгиланиб, ушбу белгиланган киймат ушбу шартноманинг охирги амал килиш муддатигача юкорида кайд килинган сабабларга кура узгариши мумкин.

2.2 Сотилаётган товар (СУГ)нинг нархи ушбу шартноманинг 1.2 бандига монанд «Таъминотчи» корхоналарда материаллар, ёкилги-энергетик ресурсларининг кийматининг узгариши шунингдек Узбекистан Республикаси Хукумати карорлари ва миъёрланган хужжатларининг узгаришларига асосан узартириб борилади.

2.3 «Харидор»га СУГ мазкур шартноманинг 1.1 бандига мос равища томонлар уртасида имзоланган пайтдан бошлаб ун банк куни мобайнида олдиндан 100 фоиз хак тулаш учун «Сотувчи» нинг банкдаги хисоб ракамига пул маблагини утказиб беришни, технологик талаб ва меъёрлар «Харидор» томондан тулик бажарилишини ва материал жавобгар шахс номига берилган ишончнома такдим килиниши таъминлангандан кейин, ведомостларга кайд килиш тартибида амалга оширилади.

3. «Харидор»нинг ХУКУК ва Мажбуриятлари.

3.1 «Харидор» «Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофик бериладиган СУГни тегишли сифатида ва узаро келишилган муддатларда куйиб олишни талаб килишга хакли.

3.2 «Харидор» газ баллон билан жихозланган автомобилларининг (маиший газ баллонларининг) ва унинг технологик курилмаларининг умумий техник холатини талаб даражасида саклашни, хайдовчининг йул варагида уни кайд килиб боришни, техника (ёнгин, электр, газ) хафсизлиги буйича керакли чоралар куришни таъминлайди.

3.3 «Харидор» суюлтирилган газда ишлайдиган автотранспортлари газ билан тулдириш ва ишлатишига белгиланган тартиб асосида тегишли рухсатномани олишни, хайдовчиларга газ куйиш шахобчасида газ куйиш жараёнидан олдин, газ куйиш жараёнида ва ундан кейин кандай техник ва хафсизлик талабларни бажариш тартиб ва коидаларини укитишни ва ушбу талаб ва коидалар хайдовчилари томонидан тулик бажарилишини таъминлайди.

3.4 Ушбу шартноманинг 1.1 ва 2.3 бандларига жавобан хар ойнинг бошида пул маблаги утказиб беришни таъминлайди.

3.5 «Сотувчи»нинг АГКШдан куйиб олган СУГни факат узининг газ баллон билан жихозланга автомобиллари газда сарфлайди, хеч кандай узининг тасарруфида булмаган бошка автотранспортлар киймасликни ва бошка корхона ва ташкилотларга АГКШдан куйиб олиб кайта сотиш ташкил кильмасликни таъминлайди.

4. «Сотувчи» нинг ХУКУК ва мажбуриятлари.

4.1 «Сотувчи» мазкур шартноманинг 2.2 ва 2.3 бандлари буйича назорат урнатишни, «Харидор» нинг автотранспортлари АГКШга кириб келганда текшириш утказиши таъминлайди, агарда талаб ва меъёрлар тулик бажарилмаган холатларида, бериладиган СУГни «Харидор» томонидан тулик бажарилгунга кадар тухтатиб туришга хақли.

4.2 Барча меъёр ва талаблар бажарилгандан кейин «Харидор»нинг газ баллон билан жихозланган автомобиллари газда (маиший газ баллонлари) СУГ куйиб беришни таъминлайди.

4.3 «Харидор»га СУГнинг нархи буйича узгаришларни ва СУГга тегишли бошка маълумотларни етказиб туришни таъминлайди.

4.4 Хар ой якунлангандан кейин шу ой давомида тулдириб борилган ведомостдаги кайдларга асосланган «Харидор» га хисоб-фактура тақдим килишни таъминлайди.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Шартнома шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурийдир.

5.2 СУГга хак тулашдан буйин товлаганлиги ва шартноманинг 3.4 бандида курсатилган муддати «Сотувчи» нинг хисоб варагига пул маблаги келиб тушмаса, тушмаган ва буйин товлаган сумманинг (фоизи микдорида пеня тулайди, лекин туланадиган пенянинг микдори шартнома умумий кийматидан 50 % дан ошмаслиги керак.

5.3 СУГни сабабсиз куйиб бериш кечикирилган, охиригача етказиб берилмаган такдирда «Сотувчи» «Харидор»га муддати утган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 % микдорида пеня тулайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

6. ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТУВЧИ ХОЛАТЛАР ВА БОШКА ШАРТЛАР.

6.1 Шартнома мажбуриятларини бажариш ёки лозим даражада бажарилгана енгиги булмайдиган фавкулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазият (форс-мажор) туфайли ичибулмаганлиги.

6.2 Мазкур шартномада кузда тутилмаган холатлар Узбекистон Республикасининг амалдаги КОНУН хужжатлари асосида тартибга солинади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

7.1 Келишмовчиликлар ва низолар келиб чиккан тартибда, томонлар узаро келишуви билан киладилар, келишишнинг иложи булмаса, хужалик суди оркали хал килинади.

7.2 Томонлар келишмовчиликларни ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килиши хаклидир.

7.3 Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан 2022 йил 31 декабр куни якунига амал килади ва шу даврда хукукий кучга эга.

7.4 Ушбу шартнома икки нусхада тузилди ва хар томонга битта нусхадан берилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«СОТУВЧИ»	«ХАРИДОР»
<p>«Питнак пропан» МЧЖ Хоразм вилояти Тупроккалъа тумани Обод махаласи х\р 20208000400292982001 Халкбанки Питнак филиали МФО: 00818 ИНН: 302877347 ОКЭД: 47300 Тел: +998 99 560 50 02 Код ККС: 333060056270</p> <p>Директор _____ М. Ю. Исқандаров. М.п</p>	<p>«O'ZBEKGEOFIZIKA» АЖ Фаргона геофизика экспедицияси филиали</p> <p>ИНН: 201577724</p> <p>Директор:_____ М.п</p>

